Мадинанинг чўриларидан бири

11:44 / 17.11.2018 2113

وَعَنْهُ قَالَ: إِنْ كَانَتِ الْأَمَةُ مِنْ إِمَاءِ الْمَدِينَةِ لَتَأْخُذُ بِيَدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَتَنْطَلِقُ بِهِ حَيْثُ شَاءَتْ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

605/4. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мадинанинг чўриларидан бири Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни қўлларидан тутиб, хоҳлаган жойига олиб кетаверар эди».

Изоҳ: «Қўлларидан тутиб» деган жумла мажозий бўлиб, бевосита ушлаш маъносида эмас. Бу ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳлининг раҳбари бўлишларига қарамай, ўта камтар, бетакаллуф бўлганларидан оддий бир чўри аёл ҳам у зотга бемалол мурожаат қила олиши таърифланмоқда.

Имом Бухорий ривоятлари.